Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 10 МАРТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (12.871)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

1941 — 1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 700 000 (етти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 6 март



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мусиқа сеҳрли дунё. Унга мафтун бўлган киши қалбини энг гўзал ва беғубор, олижаноб туйғулар бир умр тарк этмайди. 2015 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Чарос Маратова буни яхши англайди.

Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари

ЮКСАК ОРЗУЛАР КУРТАК ЁЗМОҚДА

Бу жиҳатлар кўплаб ёшлар сингари Чарос Маратованинг таълим олиши, истеъдодини юзага чиқаришда ҳам ўз ифодасини топаётир. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 260-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфида таҳсил олаётган бу қиз саккиз ёшидан бошлаб мусиқа санъати сирларини ўрганмоқда.

– Қизимнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилгани юртимизда навқирон авлоднинг истеъдодини эрта аниқлаш, уларни тарбиялаш, қобилияти ва салоҳиятини тўғри йўналтириб бориш борасида кўрсатилаётган изчил сиёсатнинг амалий натижасидир, – дейди онаси Малика опа. – Мамлакатимизда мусиқа ва санъат таълимини янги, янада юқори поғонага кўтариш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ҳар бир ота-онанинг қалбида юксак орзуларнинг куртак ёзишига сабабчи бўлмоқда.

Улуғбек ака ва Малика опа қизлари Чароснинг мусиқага меҳри баланд эканини пайқаб, уни дастлаб «Марварид» болалар мусиқа гуруҳига, сўнгра Тошкент шаҳридаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепьяно синфига ўқишга берди.

– Мусиқа таълими болаларда ижобий фазилатларни шакллантиради, – дейди Юнусобод туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Умида Тошматова. – Билим масканимизда 300 нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олади. Мен Чароснинг билимга чанқоқлиги, санъатга бўлган чексиз меҳр ва ихлоси, берилган вазифани алоҳида масъулият билан бажариши, мусиқани теран ҳис этиши, зукко ва зийраклиги каби фазилатларини ғоят қадрлайман.

Чарос мактабдаги турли анжуманлар, ижодий кечалар, концертлар, мусиқа ва санъат ҳафталикларининг фаол қатнашчиси. У ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилган ижодий кўрик-танловлар, санъат фестивалларида муваффақият қозонган. 2014 йил ёш мусиқачи учун унутилмас йил бўлди. У Франция пойтахтида бўлиб ўтган ёш мусиқачилар халқаро танловида қатнашиб, учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ёш мусиқачи Бах, Моцарт каби жаҳон классик композиторлари, Мутал Бурҳонов, Дони Зокиров, Рустам Абдуллаев сингари ўзбек композиторларининг фортепьяно учун яратган асарларини маромига етказиб ижро этишга интилади. Ўз она тили билан бирга инглиз, корейс, рус тилларини билади. Санъатга ихлоси баланд қиз келажакда Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабаси бўлишни кўнглига туккан.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Аъло Абдуллаев олган сурат

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Наманган санъат коллежида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бир гуруҳ аскарларни шарафлашга бағишланган учрашув «Шараф Сизга, Ватан ҳимоячилари» деб номланди.

● Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Қашқадарё вилояти ҳудудий бирлашмаси томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

● «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Ариран» қариялар уйида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир шундай номланди.

● Самарқандда Европа Иттифоқи ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси бўйича тадбирлар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Абу Дабидаги Ал-Батин аэропортидан фақатгина қуёш энергиясидан фойдаланиб, парвозни амалга оширувчи «Solar impulse 2» самолёти учди. Учоқ дастлаб Уммон пойтахти Маскатга йўл олди ҳамда шу куннинг ўзида шу ерда биринчи кўнишини амалга оширди.

● NASA олимлари ер устидаги обсерваториялар ёрдамида олинган маълумотларга таяниб, Марсда қачонлардир океан бўлганини тахмин қилмоқда. Уларнинг фикрича, Марсдаги уммон Ердаги Шимолий Муз океанидан кўра кўпроқ сувга эга бўлган. Нуҳ эраси деб аталадиган даврда Марсда сув ғоятда кўп бўлган.

Мамлакатимизда 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси аъзоси Эсонбой РАЖАБОВ ЎзА мухбирига ушбу муҳим сиёсий кампанияга тайёргарликнинг бориши ҳақида сўзлаб берди:

Сайлов — 2015

ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИ

– Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Мамлакатимизда яратилган ва юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими амалда фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилаётир.

Фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган. Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Бу конституциявий кафолатлар ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларида янада кенгроқ акс эттирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топган.

Миллий сайлов қонунчилигида белгиланган фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситасида ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгалиги, халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлиши лозимлиги, бу ирода даврий, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказилган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги белгиланган.

Бу тамойилларга миллий сайлов қонунчилигимиз тўла мувофиқ келади. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай имкониятлардан амалда юртдошларимиз кенг фойдаланаётгани, хусусан, 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида намоён бўлди. Унда сайловчиларнинг қарийб тўқсон фоизи фаол иштирок этгани бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси кўппартиявийлик ва тенглик тамойилларига мувофиқ давом этмоқда. Тўртта сиёсий партиядан номзодлар кўрсатилиб, улар сайловчилар ўртасида ташвиқот ишларини олиб бораётир. Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ таъминланмоқда. Аниқроқ айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурлари асосий қоидаларини сайловчиларнинг эътиборига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле ва радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди. Сайловолди ташвиқоти даврида «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 10 саҳифадан нашр майдони ажратилди.

Бундан ташқари, ҳудудий теле ва радиоканаллар, босма нашрлардан ҳам фойдаланиш учун номзодларнинг ҳар бирига 180 дақиқа эфир вақти ва 5 саҳифагача нашр майдони ажратилган.

Бу каби чора-тадбирлар фуқароларнинг сайловга оид бутун жараён билан тўлиқ хабардорлигини таъминлаш, номзодларнинг дастурлари билан батафсил танишиш имконини бераётир. Зеро, бу сайловчиларнинг келгусида муносиб номзодни танлаб, унга овоз беришига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

МАҚСАД — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ



Олмазор туманидаги Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицей ва Сергели туманидаги 21-мусиқа ва санъат мактабида ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ишончли вакили Ҳайдар Бобохоновнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувларда партия фаоллари, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, туманлардаги корхона, ташкилотлар ходимлари, маҳалла фаоллари, ОАВ вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

Йиғилишларда сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмоновнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирилди.

Таъкидланганидек, дастурда, энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратилган.

Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғояларига асосланади. Бу борадаги асосий устуворлик кўпчилик аҳоли, аваламбор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлар манфаатлари йўлида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, дастлабки иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Шунингдек, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Мазкур масалалар жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш ниҳоятда муҳимдир. Улар қаторига, аваламбор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Номзоднинг Сайловолди дастурида ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, номзод касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш лозим деб ҳисоблар экан, истиқболли ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқ комплекс ёндашувни таъминлаш зарурлигига эътиборни қаратади.

Бу борада тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларида таълим контрактларини тўлаётган корхона ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур жараёнда муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар кўриш кераклигига эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, номзод олий ва ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари ҳисобини юритиш самарадорлигини ошириш масаласини муҳим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, номзоднинг дастурида ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммаси миқдорида, ўз ишини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг зарур товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш, уларнинг нархи ва тарифлари ўсишининг инфляция даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш лозимлиги юзасидан вазифалар белгиланган.

Аҳолини шинам ва ҳар томонлама қулай уй-жой билан таъминлаш муҳим масаладир. Шундан келиб чиққан ҳолда, номзоднинг дастурида уй-жойларни ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг ижтимоий турар жой фондини шакллантиришга йўналтириладиган қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш лозимлигига эътибор қаратилган.

Учрашувларда номзоднинг сайловолди дастури ҳақида сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳамда жамият ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, юртимизда ҳар бир инсон ва оила учун фаровон турмуш шароитларини яратишда фаол иштирок этиш орқали ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш бўйича доим ўзининг аниқ мақсадлари ҳамда ғояларига эга бўлган сиёсий куч эканлиги, партиядан кўрсатилаётган номзоднинг Сайловолди дастурида ҳам мана шу масалаларга эътибор қаратилганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтдилар.

Шундан сўнг, бир қатор сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Учрашувлар фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди ва сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ БОЙИТИШ ЙЎЛИДА



Учтепа туманидаги Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи, Яккасарой туманидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей ва Бектемир туманидаги Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВНИНГ ишончли вакили Феруза Муҳитдинованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва электорати вакиллари, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, туманлар фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда сайлов тизимини демократлаштириш, умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга мослаштириш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолатлаш устувор аҳамият касб этмоқда. «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар сайловларнинг демократик талаблар асосида ўтишига хизмат қилмоқда. Миллий сайлов тизимига «ишончли вакил» сингари ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилгани ва ваколатларнинг кенгайиши сайловларнинг халқаро андозаларга мос равишда ўтишини таъминламоқда. Бунга уйғун равишда сайловчиларнинг фаоллиги ҳам ошмоқда. Бу, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан ўтказилаётган учрашувларда яққол намоён бўлмоқда.

Қайд этилганидек, 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган сайлов мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган демократик жараёнларнинг яна бир бор намойиши бўлиши шак-шубҳасиздир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг тараққиёт асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида тарихий ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги муваффақиятлари бутун жаҳонда эътироф этилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғояларининг амалга оширилиши эса кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойилини ҳаётимизга изчил татбиқ этишнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарувини умумэътироф этилган меъёрлар асосида янада демократлаштиришнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегиясини белгилаб бермоқда.

Тадбирларда ишончли вакил Ф.Муҳитдинова номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан сайловчиларни батафсил таништириб ўтди.

Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини ошириш ва юртимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Номзоднинг мамлакатимиз миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, сайловолди дастурида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқаро йўналишларда номзод зиммасига олаётган вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилган.

Таъкидлаш жоизки, номзоднинг сайловолди дастурида миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, миллий ўзликни англаш, тарихни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган дастурда мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик жамиятни шакллантириш, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ахборот маконини яратиш ҳамда халқаро муносабатларда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Номзод илгари сураётган бош ва стратегик мақсад, бу — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборатдир.

Хусусан азалдан Шарқ ва Ғарбни бирлаштириб келган, дунё халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ташкилий-институциявий ва ҳуқуқий жиҳатлардан мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, бунда жозибадор «Буюк Ипак йўли» брендини илгари суриш шулар жумласига киради. Бу албатта мамлакатимизда нафақат туризмни ривожлантириш, балки юртимизнинг савдо марказларидан бирига айланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиради.

Учрашувларда сўзга чиққанлар номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, халқаро муносабатларда Ўзбекистон позициясини қўллаб-қувватлашга қаратилганига эътибор беришди.

Мухтасар қилиб айтганда, жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг ишончли вакили билан учрашувлар фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги остида ўтмоқда. Бунда сайловолди дастурида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот ҳамда ташқи сиёсат соҳаларида номзод илгари сураётган мақсад-вазифалар мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланмоқда.

Дастурда белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар, ҳунарманд ва касаначилар фаолиятини янада жонлантириш, бундай тадбиркорлик субъектларини иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мақсад-вазифалар сайловчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принципларига тўхталадиган бўлсак, бунда демократик талаблардан ҳисобланган ошкоралик, эркинлик, тенгликка тўлиқ риоя этилади. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда сайлов комиссиялари муҳим ўрин тутади. Айни пайтда мамлакатимизда бу институтнинг бутун тизими шакллантирилган ва комиссиялар ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширмоқда. Сайлов округлари, сайлов участкаларида комиссия аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этишга юқори савияда тайёргарлик кўрилмоқда. Чунончи, овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб жойлаштирилади.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Сайлов куни яшаш жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериши мумкин. Бунинг учун у ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга солиб, участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин. Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхатига киритилади.

Норгул АБДУРАИМОВА
ёзиб олди

29 март — сайлов куни





Ислом Исмоилов олган суратлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Кеча Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига оид ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида участка сайлов комиссиялари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Сайловнинг қонун талаблари асосида ўтиши, сайловчиларнинг овоз бериши, кузатувчиларнинг самарали фаолият юритиши учун участка сайлов комиссиялари аъзоларининг етарли билим ва малакага эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис ҳудудий участка сайлов комиссияси аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган семинар-тренингда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳамда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралиги таъминланишининг аҳамияти, сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг ўрни, муддатидан олдин овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва уни ўтказиш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилди.

— Тадбирда участка сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш борасидаги фаолияти, сайлов жараёнида унинг асосий бўғин эканлиги ҳамда муҳим ўрни атрофлича чуқур очиб берилди, — дейди Чилонзор туманидаги 398-участка сайлов комиссияси раиси Муҳаббат Таджиева. — Албатта, бунда олган билим ва кўникмаларимиз, участкамиз ҳудудида сайловнинг қонун талаблари асосида пухта ўтказилишига катта кўмак бўлишига ишончимиз комил.

Семинар-тренинг тадбирларида Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси экспертлари, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари, Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат ва нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси вакиллари ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Семинар-тренинг якунига кўра, сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Тақдимот

ЎЗБЕКИСТОН ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ ҲАҚИДА КИТОБ

«Правда Востока» газетаси таҳририяти томонидан Ўзбекистон қадимий шаҳарларининг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Қадим шаҳарларнинг янги жамоли» деб номланган тўплам тақдим этилди.



Китоб ўтган йили газета саҳифаларида шу рукн остида чоп этилган мақолалар ва фотосуратлардан иборат.

Жаҳон тарихий ва маданий меросининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари бугунги кунда йирик замонавий шаҳарларга айланган. Китобда газета саҳифаларида эълон қилинган материаллар орқали мустақил мамлакатимизнинг мутлақо ўзгарган янги қиёфаси акс эттирилган бўлиб, бу китобхонларда шу муқаддас Ватандан фахр-ифтихор қилиш туйғусини уйғотади.

Мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий турар жойлар, саноат корхоналари, тиббиёт ва ўқув муассасалари, спорт иншоотлари, кенг ва равон йўллар, гўзал майдонлар, ям-яшил боғлар янги Ўзбекистонга бетакрор кўрк бағишлаб турибди. Тадбиркорлар, фермерлар, ўқитувчи ва шифокорлар, илм-фан, санъат ва спорт намояндалари билан суҳбатларда мамлакатимиз фуқароларининг янги турмуш тарзи ҳақида сўз юритилган. Буларнинг барчаси кўҳна шаҳарларимиз қиёфасига янада чирой бағишлаб, юртдошларимиз дунёқараши ва ҳаёти сифатини ўзгартириш имконини бераётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар самарасидир.

Шубҳасиз, ўз саҳифаларида ушбу оламшумул ўзгаришларни мужассам этган мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади.

(ЎзА)

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ҚАРИЯЛАРИНИ ҚАДРЛАГАН ЭЛНИНГ КЕЛАЖАГИ НУРАФШОН БЎЛАДИ

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға

Ҳазрат Навоийнинг ушбу икки мисра шеърида ота-онани қадрлаш, уларни ҳурматлашга ундовчи чуқур маъно мужассам. Юртимизда азал-азалдан ёши улуғ кексаларни эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам нуроний отахону онахонларимиз, қарияларимизга бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Мамлакатимизда кексалар ва фахрийларнинг саломатлиги ва шодмонлиги учун хизмат қиладиган кўплаб сиҳатгоҳларнинг қайта тикланиши, тиббий марказларининг очилиши, нафақаларининг ўз вақтида етказиб берилиши, ногиронлашиб ёки хасталаниб қолганларга кўрсатилаётган бепул тиббий ёрдам ва енгилликлардан қарияларимиз миннатдор бўлмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишларга ҳамма ўзининг муносиб ҳиссасини, улушини қўшгиси келади. Ана шундай савобли ишга Тошкент Тиббиёт академиясининг 2-клиникаси жамоаси ҳам ўз холисона ҳиссасини йил бошидан буён қўшиб келмоқда.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг бундай хайрли ташаббус билан чиққанлари ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди, — дейди клиниканинг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ёркин Йўлдошев. — Шу боис йил бошидан буён қарияларимизнинг саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш борасида бир қанча тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Бу бизга фақат жорий йилдагина эмас, балки келажак учун ҳам хайру саховатга, меҳр-мурувватга тўла бир удум бўлиб қолади, деб ишонаман.

Бош шифокорнинг шахсий ташаббуси билан яқинда Олмазор тумани, Чуқурсой даҳасидаги «Гулзор» маҳалласи онахонлари ва отахонларини Тошкент Тиббиёт академиясининг 2 клиникасида саломатликларини текшириш ва даволаш борасида кенг кўламли тадбирлар ўтказилди. Академиянинг малакали ходимлари мазкур тадбирларда иштирок этиб, хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Ҳаракатланиши қийин бўлган беморларни клиникага келтириш ва уйларига олиб бориб қўйиш ҳам шифохона маъмуриятининг зиммасида бўлди, беморларнинг мазкур тоифаси учун махсус транспорт воситалари, аравачалар ажратилди.Уларнинг ҳамма-си бепул текширишлардан ўтказилиб, дори-дармон, зарурият туғилганларига эса стационарда бепул даволанишлари учун ўринлар ажратилди. Ўринларидан қўзғала олмай, ётоқ режимига тушиб қолган ногирон ва кексаларнинг уйларига махсус аппаратуралар ва лаборатор текширишлари билан бирга малакали мутахассислар юборилди.

Юртимиздаги инсонпарварлик ва саховатдан шодмонлиги чеҳрасидан билиниб турган нуроний онахонни суҳбатга тортамиз.

— Мен 1944 йилда таваллуд топган Меҳринисо Раҳмонова бўламан, — дейди онахон табассум билан. — Етмиш бир ёшга кирдим. Бир неча ойдан буён юришга қийналаман, бунинг устига қон босимим ҳам ўйнайдиган бўлиб қолган. Минг шукрки, бугун мени иззат-ҳурмат билан бу илм даргоҳига келтиришиб, мутахассис болаларим тўлиқ текширишлардан ўтказишди ва касаллигимни аниқлаб, бепул даволаниш учун ўрин ҳам ажратиб бердилар. Уларнинг ҳаммаси ширинсўз, ўз касбининг усталари, самимий инсонлардир. Мен ана шундай олижанобликлар амалга оширилаётган, ўз кексаларини ардоқлаб юрадиган юртнинг фуқароси эканлигимдан ҳамма вақт мамнун бўлиб юраман. Ушбу саховатнинг бошида турган муҳтарам Юртбошимизни ҳам Аллоҳ умрларини узун қилсин!

«Яхшиликни чеҳраси очиқ одамлардан изланг» деган ҳикмат бор. Эл-юрт фаровонлиги, аҳоли саломатлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётган Тошкент Тиббиёт академиясининг шифокор олимлари, 2-клиниканинг етакчи мутахассисларининг очиқ чеҳралари ва самимий мулоқотларига қараб, уларни ҳақиқатан ҳам яхшилик уруғларини сочувчи деҳқонларга ўхшатасан, киши.

Қутбиддин НИЗОМОВ,
соғлиқни сақлаш аълочиси
Алижон ЗОҲИДИЙ,
тиббиёт фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида «Товарларни маркалашнинг янги тартиби: махсус идентификация белгилари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

МАРКИРОВКА — СИФАТ ВА ИШОНЧ БЕЛГИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтирилишини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизга сифатсиз товарларнинг кириб келишининг олдини олишда ва келтирилаётган товарларни назорат қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қарорга мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш мажбурий тарзда жорий этилди ва республикамиз ҳудудида уларни маркаланмаган шаклда сотиш ва сақлаш тақиқланди. Бу каби ҳолатлар учраган тақдирда уларга савдо қоидаларини бузиш деб қаралади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллашга асос бўлади.

Четдан келтириладиган 14 турдаги истеъмол товарлари мажбурий маркировка қилиниши лозим. Уларга духовка, кондиционер, музлатгич, уй-рўзғор идишлари ва кир ювиш машиналари, принтер, чангютгич, электр плиталар, DVD ва мусиқий марказлар, монитор ва телевизор каби маиший техникалар киритилган. Мабодо рўйхатга янги истеъмол товарлари киритилса, у ҳолда ўзгартириш кучга кирган кундан бошлаб шу турдаги товарларни 180 кун муддатда маркировка қилмаган ҳолда сотишга рухсат берилади.

Ушбу чоралар қарорда рўйхати келтирилган айрим турдаги истеъмол товарларини ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш, импорт ҳажмини назорат қилиш ҳамда сохталаштирилган, шунингдек, келиб чиқиши ва олиб киришнинг қонунийлигига шубҳа уйғотадиган маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслик имконини беради.

Идентификация белгилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ҳимоя элементлари мавжуд бўлган ва ўзи елимланадиган махсус қоғозлардан тайёрланмоқда. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларининг четдан келтирилишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан, уларни сотиш ва сақлаш эса Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан амалга оширилмоқда.

Истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш тўлалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши товар таннархининг ошмаслигини таъминлайди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Аҳоли ўртасида экологик саводхонлик, онг ва маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали атроф табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлишга кўникма ҳосил қилдириш мақсадида, «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда Шайхонтоҳур туманидаги мактабгача таълим муассасаларининг экология йўналиши бўйича мутахассис тарбиячилари иштирокида «Чиқинди – Ерга мос эмас!» мавзусида семинар-тренинг машғулоти ўтказилди.

484-МТМ тарбиячилари Гўзал Алимхўжаева, Муҳаббат Муҳитдинова, Лобар Аҳмедова ва муассаса раҳбарининг маърифат ва маънавият ишлари бўйича ўринбосари Алфия Исяноваларнинг тарбияланувчилари бевосита иштирокида, ўтказган гуруҳлардаги «Очиқ дарс»лари анжуман иштирокчиларини эътиборсиз қолдирмади, зеро, ушбу дарс талқини орқали мамлакатимиз келажаги куртаклари қалбига табиатни севиш руҳи сингдирилди.

Тадбир доирасида ташкил этилган адабий викторина, тарбияланувчилар чизган расмлар, улар томонидан чиқитлардан тайёрланган қизиқарли маҳсулотлар ҳамда «ЭКОСАН» совға қилган экологияга оид адабиётлар ва рангли плакатлар кўргазмалари тадбирнинг мазмунини бойитгани аниқ.

Тадбирда, «ЭКОСАН» бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаев Фонд нашр эттирган «Тозаликнинг 10 қоидаси» рангли плакатининг тақдимотини уюштирди ва барча мактабгача таълим муассасалари учун уни 10 нусхадан тарқатди.

Бугунги боғчадаги тадбир талқини, тўлиғи билан, ўз фаолиятларида фойдаланишлари учун тавсия сифатида, тадбирда иштирок этаётган барча МТМларга, уларнинг электрон манзиллари орқали тарқатиб бериладиган бўлди. Иштирокчилар тавсияси билан «ЭКОСАН» ташаббуси билан туман МТМларида экологик таълимга алоқадор мавжуд илғор тажрибаларни жамлаб, меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича узлуксиз таълимни шакллантиришга қаратилган, кичик ёшдаги ва бошланғич синфлар ўқувчилари ва соҳа тарбиячилари учун «Ўқув қўлланмаси»ни, шу йил 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунигача тайёрлашга келишиб олинди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» Халқаро жамоат фондининг бўлим бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси шифокор-рентгенолог **Аббос Қодирович ХОЖИМЕТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси кичик ёшдаги болалар патологияси бўлими мудири Манзура Нишоновна Болтабоевага отаси **Нишон Сахибович САЛИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Кўргазмалар

ЮРТИМИЗ ГЎЗАЛЛИГИ МАДҲИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи рассом Мусаввир Ўлмасованинг «Орзулар рўёби» деб номланган кўргазмаси очилди.

Вернисажга қўйилган рассомнинг 60 га яқин асарларида мамлакатимиз табиатининг гўзал манзаралари, боғлари ва улардаги ноз-неъматлар йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли ҳолатлари, қадриятларимизни эслатувчи турар жойлар, пойтахтимиз табиати ва унинг турли-туман гуллари, ҳаёт фалсафаси акс этган. Улар орасида муаллифнинг «Қалдирғочлар ўйини», «Уйқудаги шаҳар», «Эрта тонг баҳори», «Олтин куз», «Баҳор», «Тонгги туман», «Меваларбилан натюрморт», «Болаликни хотирлаб» каби асарлари ўрин олган.

Рассом М.Ўлмасова 1955 йили Тошкент шаҳрида туғилган. П.Беньков номли республика рассомлик билим юртида, Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. «Ўзбекфильм» киностудиясида фаолият кўрсатган. Бир қанча фильмларда рассом сифатида қатнашган. Асосан натюрморт ва манзара жанрида ижод қилиб, юртимиз табиати гўзаллигини, табиат орқали инъом этилган ноз-неъматларни мадҳ этувчи асарлар яратади. Асарлари кўплаб хориж мамлакатларидаги мухлислари ва юртдошларимиз коллекцияларида сақланади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ
Алексей Попов олган сурат

СПАРТАКИАДАНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимиздаги Олий ўқув юртлариаро спорт мажмуасида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида республика спартакиадасининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан пойтахт касаба уюшма тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида ташкил этилди. Иштирокчилар эркаклар ва аёллар ўртасида спортнинг стол тенниси, шашка, шахмат, бадминтон, сузиш ва аёллар ўртасида волейбол турлари бўйича ўзаро беллашди.

— «Эл соғлиғи – юрт бойлиги» деб бежиз айтилмаган, — дейди «Ўзметмашсаноат» Республика Кенгаши касаба уюшмасининг масъул ташкилотчиси Шоикром Исроилов. — Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш, уларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш «Спорт – саломатлик гарови» спартакиадасининг бош мақсади ҳисобланади. Мазкур мусобақаларда пойтахтимиз туманларидаги корхона, ташкилотлар, муассасалар ходимлари фаол иштирок этдилар. Турли касб эгалари бўлган иштирокчилар шахмат, шашка бахсларидаги маҳорати, бадминтон бўйича беллашувлардаги чаққонлиги, волейбол ўйнашда аҳил жамоа бўлиб ҳаракатланиши, сузишдаги маҳоратини, стол теннисида эпчилликларини намойиш этдилар.

— Ўғлим Дониёр Жобирхановнинг сузишга қизиқиши кучли, — дейди Нилуфар Мажнунова. — У Ўзбек Давлат циркида бадиий саҳналаштирув қисм мудири вазифасида ишлайди. 6-7 ёшлигидан бери каратэ билан шуғулланиб туради. Мазкур мусобақада сузиш бўйича қатнашди. Ўзим ҳам саломатлигимни мустаҳкамлаш учун 3-4 йилдан буён сузиш билан шуғулланиб келаман. Албатта она сифатида ўғлимнинг соғлом турмуш тарзига амал қилаётганидан хурсандман. Асосийси, саломатлиги мустаҳкамланаётганидан беҳад мамнунман.

Мусобақада спортнинг барча турлари муросасиз беллашувларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлиб, қизғин тарзда ўтган бахсларда ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди.

— Ёшлигимда волейбол ўйнашга қизиқардим, спортнинг бадминтон тури билан бир йилдан бери мунтазам шуғулланиб келмоқдаман, — дейди аёллар ўртасида ўтказилган бадминтон бахсларида 1-ўринни қўлга киритган Дилфуза Султонова. — Спорт билан шуғулланган одамнинг танаси чиниқади. «Соғ танда соғлом ақл» деб бежизга айтилмаган. Мусобақада асосийси ғалаба қозониш эмас, балки малакани ошириш ва дўстлар орттиришдир. Кўплаб дўстлар орттириш имконияти пайдо бўлганидан хурсандман.

Қизғин беллашувлардан сўнг стол тенниси бўйича Қаҳрамон Ҳасанов ва Наталья Ливонова, шахмат бўйича ўтказилган бахсларда Равшан Шукуров, Гулнора Ортиқова, шашка бўйича Баҳодир Убайдуллаев ва Гавҳар Шарипова, бадминтон бахсларида Сергей Гимадиев ва Дилфуза Султонова, сузиш мусобақаларида Владимир Липов ва Елена Лисецкая ғолибликни қўлга киритди. Волейбол бахсларида Юнусобод тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга мусобақада «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш иштирокчи» номинацияларибўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Футбол

«ЛОКОМОТИВ» – СУПЕРКУБОК СОҲИБИ

«Бунёдкор» стадионида футбол бўйича Ўзбекистон суперкубоги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Локомотив» жамоалари ўзаро куч синашди.

Учрашувнинг 37-дақиқасида «темирйўлчи»-лар вакили Лутфулла Тўраевнинг узоқдан йўллаган кучли зарбасини «Пахтакор» дарвозабони қайтара олмади – 1:0. Иккинчи бўлимда ҳам устунлик «Локомотив» жамоасида бўлди. 49-дақиқада Темурхўжа Абдухолиқов рақиб дарвозасига тўп киритди. 56-дақиқада Руслан Корян пенальтини аниқ бажарган бўлса, ўйин якунланиши арафасида Марат Бикмаев «Пахтакор» дарвозасини ишғол қилди.

Шу тариқа 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Локомотив» жамоаси Ўзбекистон суперкубогини қўлга киритди.

Каратэ

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда каратэ бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Каратэ миллий федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 700 нафарга яқин спортчи куч синашди.

Каратэ – инсон руҳи ва иродасини тоблайди, жисмонан соғлом қилиш баробарида, унинг характерини тарбиялайди. Ушбу жиҳатларни турнирда қатнашган кўплаб ёш умидли спортчилар мисолида ҳам кўриш мумкин бўлди.

Андижон банк коллежи ўқувчиси Абдулазиз Отабоев ана шундай ёшлардан. У 12 йилдан буён мазкур спорт тури билан шуғулланади.

– Оиламизда спортга меҳр жуда баланд, – дейди Абдулазиз. – Каратэ спорт турини танлашимда акамнинг ҳиссаси катта. У бир қатор халқаро турнирларда ғолиб бўлган. Менинг ҳам мақсадим жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғолиблар сафидан жой олиш.

Мусобақада А.Отабоев ўз вазн тоифасида тенгсиз эканини исботлади. 68 килограммгача бўлган ўғил болалар бахсларида барча рақибини мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга эга бўлди.

Чемпионатнинг ўғил болалар ўртасидаги ката бахсларида тошкентлик Ю.Бадалов, Д.Латипов, С.Хушбеков, И.Нуриддинов, А.Хўжаев, М.Фозилжонов, андижонлик Х.Аҳмедов, М.Қорабоев, Х.Кўпайсинов, самарқандлик С.Омонов, М.Темиров, сирдарёлик Д.Раҳматов ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олди.

Қизлар ўртасида тошкентлик Ҳ.Бадалова, С.Озодхонова, З.Мажидова, Д.Туропова, З.Бахтиёрова, С.Жўраева, сурхондарёлик М.Олимова, Д.Эргашева, М.Эргашева, Х.Олтинбоева, Л.Ҳасанова, самарқандлик Б.Муҳаммадиева, Д.Тўрақулова, андижонлик О.Сотқинбоева совринли ўринларни қўлга киритди.

Мусобақанинг жамоавий ката бахсларида ўғил болалар ўртасида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Андижон ва Самарқанд вилоятлари жамоалари кейинги ўринларни эгаллаган бўлса, қизлар ўртасида Тошкент шаҳри, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари спортчилари кучли учликни банд этди.

Чемпионатнинг кумитэ бахсларида тошкентлик Ю.Бадалов, Ғ.Зоҳидов, фарғоналик И.Узоқов, Д.Отаболаев, наманганлик А.Низомбоев, С.Файзуллаев, Б.Раҳмонов, қорақалпоғистонлик С.Қаландаров, Ж.Аметов, қизлардан сурхондарёлик Б.Мирзаева, наманганлик Б.Бобоева, М.Абдуллаева, М.Аҳмаджонова, Н.Убайдуллаева каби спортчилар шоҳсупага кўтарилди.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Э Ъ Л О Н!

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

2015 йил «17» апрель **соат 10⁰⁰да**

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	3А	«Қорақамиш 2/4-мавзеси АШБ – Бошлиқ мавзеси»	Автобус
2.	4И	«Чорсу метро бекати АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
3.	23М	«Қўйлиқ М-трамвай бекати – Амир Темур хиёбони бекати»	Микроавтобус
4.	25А	«Чорсу савдо маркази АШБ – Чилонзор 20-даҳаси АШБ»	Автобус
5.	19А	«ТТЗ АШБ – Тошкент МУМ АШБ»	Автобус
6.	21А	«Қорасув 1-мавзеси АШБ – Тошкент МУМ АШБ»	Автобус
7.	24А	«ТТЗ АШБ – Юнусобод 6-даҳаси АШБ»	Автобус
8.	40А	«Сергели 12-даҳаси бекати – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
9.	41М	«Бўз бозор АШБ – ТТЗ АШБ»	Микроавтобус
10.	47А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Гулобод кўчаси бекати»	Автобус
11.	48А	«Сергели саноат минтақаси – Ал Хоразмий мавзеси бекати»	Автобус
12.	49А	«ТТЗ АШБ – Дўстлик метроси АШБ»	Автобус
13.	58А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Экскаватор заводи бекати»	Автобус
14.	60М	«Чорсу савдо маркази АШБ – Шамсиобод маҳалласи»	Автобус
15.	71М	«Олой бозори бекати – Чилонзор 25-мавзеси АШБ»	Микроавтобус
16.	86А	«Сергели қўрғони – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
17.	89А	«Қорасув 1-мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус
18.	92А	«Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Тошкент халқаро Аэропорт бекати»	Автобус
19.	104А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Янгиобод мавзеси АШБ»	Автобус
20.	126А	«Тошкент қувур заводи бекати – Чорсу савдо маркази бекати»	Автобус
21.	127А	«Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Авиасозлар АШБ»	Автобус
22.	129А	«Авиасозлар АШБ – Юнусобод 17-даҳаси»	Автобус
23.	130А	«Сергели 7-мавзеси АШБ – Қўйлиқ М2 АШБ»	Автобус
24.	131А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Олимпия меҳмонхонаси»	Автобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

1.	5А	«Гулобод кўчаси бекати – Феруза мавзеси бекати»	Автобус
2.	7И	«Дўмбиробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
3.	18А	«Тузел 3-мавзеси бекати – Чилонзор 25-даҳаси АШБ»	Автобус
4.	38М	«Ҳувайдо маҳалласи – Ибн Сино 2-мавзеси АШБ»	Микроавтобус
5.	46А	«Бирлик мавзеси АШБ – РЭТ заводи бекати»	Автобус
6.	59А	«Сергели 12-даҳаси бекати – Карвон бозори бекати»	Автобус
7.	62А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – М.Юсуф кўчаси бекати»	Автобус
8.	74А	«Сергели 7-даҳаси АШБ – Далагузар майдони»	Автобус
9.	75А	«Қирариқ маҳалласи – Оқтепа майдони бекати»	Автобус
10.	78А	«Беруний метроси бекати – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
11.	101А	«М.Улуғбек қўрғони – М.Юсуф кўчаси бекати»	Автобус
12.	105А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Карвон бозори бекати»	Автобус
13.	117А	«Сергели 12-даҳаси бекати – Янгиобод мавзеси АШБ»	Автобус
14.	124А	«Қўйлиқ М1 АШБ – Дўстлик ж/х»	Автобус
15.	146А	«Чорсу савдо маркази АШБ – Чинни бозори бекати»	Автобус
16.	166М	«Тузел мавзеси бекати – Дўстлик метроси АШБ»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧЭКИ АТ «Савдогар Банк»даги 20210000604197971001 ҳ/р (банк коди 00835, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600) га **326,000 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

«101»

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАЙЛИК

Баҳорда ҳашарлар, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади, қиш бўйи турли ерларда қолиб кетган хазонлар кунлар исиши билан йиғиштирилиб, ҳудудлар тозаланади.

Буларнинг бари яхши, албатта, аммо шу билан бирга яна бир жиҳатга ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Яъни, кўпинча қуриб қолган ўт-ўланларни аҳолимиз супуриб, йиғиб қўйишади, аммо уларни чиқариб ташлаш эса кўп ҳолларда кечикиб кетади. Айнан мана шу тўпланиб қолган хазонлар эса ёнғин содир бўлиш хавфини оширади. Айримлар сигарета қолдиғини ўчирмай хазонлар устига ташлаб кетишади, бу эса муқаррар оловни келтириб чиқаради.

Айрим ҳолларда хазонлар баралла ёнмасдан, тутаб ётганига ҳам гувоҳ бўламиз. Гарчи бир қарашда у хавфсиздек кўринса-да, аслида тутуннинг зиёни, атрофдагиларга келтирадиган зарари очиқ аланганикидан кам эмас. Бутун мамлакатимизда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган, экологияга катта эътибор берилаётган бугунги кунда хазон ёқиб, атрофимизни ўзимиз заҳарласак бу инсофдан бўлмайди.

Сайидаъло УБАЙДУЛЛАЕВ,
23-ҲЁҲҚ кичик инспектори, сафдор

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказаётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари ўз натижасини бермоқда.

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

Бу эса олдимизга тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини қўяди. Таъкидлаб ўтиш жоизки фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки жамиятимиздаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини англатиш жуда муҳимдир. Келиб чиқаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолаётгани уларга ёнғин ва унинг оқибатлари, ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтиришни талаб қилади. Бола онгида ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлаётган нохуш ҳолатлар камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Аҳоли турар жой бинолари хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш орқали мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ қарашга ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

З.АКБАРОВ,
12-ҲЁХО 24-ҲЁҲҚ смена бошлиғи, капитан

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95; факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ